

**МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЧАҚИРИҚҚАЧА
ТАЙЁРЛАШНИНГ СТРУКТУРАВИЙ-ФУНКЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАДБИҚ
ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

Ашуралиев Алишер Базарбаевич

АДЧТИ Ижтимоий гуманитар фанлар, педагогика ва психология

кафедраси катта ўқитувчиси

Ашуралиев Азизбек Алишерович

АДЧТИ тьютори

Аннотация: Мақолада чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчисининг инновацион фаолиятини такомиллаштиришига йўналтирилган лонгитудинал экспериментал тадқиқотлар натижалари, шу асосда экспериментал асослаб ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига татбиқ қилинган ўрта маҳсус ўқув муассасаларининг бўлгуси чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчисининг структуравий-функционал модели тақдим этилган.

Калит сўзлар: лонгитудинал, чақириққача ҳарбий таълим, модуль, функционал, модель

В статье представлены результаты лонгитудинальных экспериментальных исследований, направленных на совершенствование инновационной деятельности студентов факультета “Допризывно военное образование”, на основе разработанной и внедренной в учебный процесс экспериментально обоснованной структурно-функциональной модели будущего преподавателя допризывного военного образования средних специальных учебных заведений.

Ключевые слова: лонгитудинальный, допризывное военное образование, модул, функциональный , модель

This article deals with the results of the longitude experimental researches carried out for improving innovative activities of the students of the faculty "Military Education,, . They have been worked out and implemented into the educational process of experimentally grounded structural - functional model of the future teacher of military education for special secondary educational establishments .

Key words: longitude , military education , module , functional, model

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги тарихий қадамлардан бири Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳисобланади. Юқори малакали чақириққача ҳарбий таълим мутахассисларини таёрлаш вазифаси ҳозирги кунда долзарб педагогик муаммолардан бири бўлиб, унинг ҳал қилинишида асосий ўрин таълимнинг ўрта бўғини учун мутахассислар таёрлаш жараёни амалга ошириладиган гуманитар олий ўқув юртларининг маҳсус факултетларига тегишли бўлади.

Чақириққача ҳарбий таълим факультетида таҳсил олаётган талабаларнинг касбий тайёргарлиги масалалари бўйича давлат ҳужжатлари ва илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили шундай хулоса қилишига асос берадики, маҳсус

факультетларда касбий тайёргарликни такомиллаштириш муаммоси ҳозирга қадар педагогик тадқиқотнинг жиддий предмети бўлмаган.

Ҳарбий ишнинг бўлғуси мутахассислари учун зарур бўлган билим ва кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган вазифаларни ҳал қилиш учун мақсадга мувофиқ мониторинг асосида ўқитишнинг барча босқичларида инновацион фаолият тузилмасини моделлаштириб, мутахассиснинг касбий шаклланиш жараёнини такомиллаштириш лозим. Ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлаш тизимили ва фаолиятга - ижодий ёндашув асосида амалга ошиши керак. Бундай ёндашув чақириққача ҳарбий таълим мутахассиси шахсини шакллантириш жараёнининг яхлитлигини таъминлайди.

Талабаларнинг инновацион фаолиятини ўкув жараёнида такомиллаштириш бўйича олиб борилган кўп йиллик экспериментал тадқиқотлар натижалари мониторинги чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассис тайёрлашнинг қуидаги кетма-кетлигини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбик этишимизга имкон берди.

-татқикот илмий билиш методологияси асосларини эгаллаш;

-талабалар Куролли Кучларда инновацион жараёнлар юзага келишининг маҳсус ва илмий шарт-шароитлари билан танишиб чиқишлиари, чақириққача тайёргарлик бўйича ўқитишни ташкил қилишга бўлган муқобил ёндашувларни ижодий талқин қила олишлари зарур;

-Мутахассиснинг ижодий индивидуаллашувини параллел тарзда ривожлантириш, уларда вазифаларни аниқлаш, шакллантириш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш, аввал ўзлаштирилган билимлар ва кўникмаларни янги вазиятларга мустақил кўчира олиш қобилиятини шакллантириш;

-таълим жараёнида ҳарбий тайёргарлик соҳасидаги инновацион фаолият технологиясини ўзлаштириш, инновацион дастурлар тузиш методикалари, тажриба ишлари босқичлари, янгиликнинг янада ривожлантирилишини, жорий этиш қийинчиликларини таҳлил қилиш ҳамда башоратлаш билан танишиш;

-тажриба майдонидаги таълим якунида янгиликни ўқитувчиларнинг чақириққача тайёрлаш жараёнига жорий этиш бўйича амалий ишини ташкил этиш, тузатишлар киритиш, тажриба натижаларининг мониторинги, инновацион фаолиятни таҳлил қилиши.

Ўқув-педагогик фаолият сифати кўп жиҳатдан ўқитишнинг асосий бошқарувчи қоидалари - ўкув жараёнининг илмий-педагогик асоси бўлиб хизмат қилувчи дидактив тамойиллар қай даражада эътиборга олинаётганлигига боғлик.

Шуни унутмаслик лозимки, ғоявийлик ва илмийлик маҳсус касбий-амалий йўналтирилганлик, мунтазамлилик, кўргазмалилик, онглилик ва фаоллик, енгиллик, оптималликлар муҳим дидактив тамойиллар ҳисобланади.

Ўқитишида ғоявийлик ва илмийлик тамойили ўрганилаётган материалнинг жамоадошлиқ, бир-бирини қувватлаш, ўртоклик руҳини мустахкамлаш бўйича чоралар қабул қилишни тақозо этувчи ҳамда давлат олдида турган долзарб вазифалар билан узвий боғликларини назарда тутади.

Жисмоний тайёргарлик машғулотларида бу тамойил ўрганилаётган ҳаракатларнинг Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга тайёрлаш боскичидаги юқори аҳамиятга эга эканлигини чуқур тушунтириш, ўқитиш жараёнини юксак даражада илмий ташкил қилиш асосида уларга жисмоний тайёргарлик масалаларига доир барча янгиликларни, илгор тажрибани жорий этиш орқали амалга оширилади.

Махсус касбий-амалий ҳаракат тайёргарлиги тамойилининг ўқув жараёнинда амалга оширилиши аввалги тамойил билан чамбарчас боғлик ҳолда кечади, чунки у ҳам, биринчи навбатда, касбий-амалий жисмоний тайёргарлик вазифаларини ҳал қиласи ва жисмоний тайёргарлик мазмунини аниқ танлаб олишда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга тайёр туриш даражасини мунтазам ошириб бориш вазифалари билан узвий боғлиқликка эга эканлигига акс этади.

Мунтазамлилик тамойили ўқув материалини аста-секинлик билан йўнаштиришга асосланган таълим жараёнининг узлуксизлигини ва қатъий кетма-кетлигини таъминлашдан иборат.

Кўргазмалилик тамойилида янги амалий машқни ўрганиш ҳар вақт у билан танишишдан бошланади ва у қанча сифатли бўлса, уни кейинчалик ўзлаштириб олиш шунчалик самарали бўлади. Талабаларнинг ўз ҳаракатларини таҳдил қила олиши, техник жиҳатдан йўл кўйилган хатоларини аниқлай олиши ва уларни бартараф эта олиши алоҳида аҳамиятга эга. Ўқитувчи ва талабанинг хамкорона иши ўқув жараёнинда илмий-техник тараккиётда қайд этилган замонавий методларини кенг жорий этилишига, шунингдек, фотосуратлар, кинограммалар, ўқув кинофильмлари, чизмалар, схемалар, расмлар, Интернет орқали олинган ва бошқа кўргазмали материалларнинг чуқур хамда батафсил ўрганилишига асосланади. Шундай қилиб, ўқитиша кўргазмалиликка қўйиладиган талабалар факат билишнинг бошланғич поғонасига таалуукли эмас. У бутун ўқув-тарбия жараёнини қамраб олади, унинг сифат жиддий таъсир кўрсатади.

Енгиллик тамойили ўқитиш ва тарбияни шуғулланувчилар имкониятларига мос ҳолда ташкил этиш заруратини белгилаб беради. Жисмоний машқларни ўргатишига енгиллик тамойилининг ўзига хос хусусияти бу - нафакат малакани такомиллаштиришда, балки {бу жуда муҳим} машғулотларда жисмоний юкламани кетма-кет ва аста-секин ошириб боришида ўқувчининг улдалай олишига килиш заруратидир.

Касбий-амалий жисмоний тайёргарликда оптималлик тамойили ҳам амалга оширилади. Ушбу тамойил машқланганликнинг кучиши конуниятларига асосланиб, у шундан иборатки, хамма сифатларни, малака ва хусусиятларни максимал чегарагача ривожлантириш зарур эмас. Бу ўринда уларнинг ривожланиши даражаси машкларнинг аҳамиятига, шунингдек, олдиндаги ҳарбий фаолиятнинг хар хил турларига жисмоний тайёр туриш тузилмаси хамда аҳамиятлилик даражасига қатъий мос келиши лозим.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш уларни амалга оширишнинг специфик вазифаларни давомли ҳал қилиш орқали олиб борилади:

* Ташхислаш-лойихалаш босқичи - бўлажак ўқитувчиларнинг ўсмирларни чакириққача тайёрлашни амалга оширишга тайёргарлик даражасини ташхислашга имконият яратади.

* Шакллантирувчи босқич - асосий босқич булиб, бўлажак чакириққача ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиларнинг тайёргарлигини шакллантириш босқичида белгилаб берувчи аҳамиятга эга.

* Коллежларда ўсмирларни чакириққача ҳарбий таълим бўйича ўқитадиган мутахассисларни тайёрлашнинг илмий-методик асосларини шакллантириш мақсадида талабаларнинг инновацион фаолиятини такомиллаштириш босқичида “Чакириққача ҳарбий таълим” предметининг мазмунини ўзлаштириш амалга оширилади .

* Бу предмет “Чакириққача ҳарбий таълим” факультетларида маъруза , семинар ва амалий машгулотлар шаклида ва яна мустақил иш жараёнида талабалар билан ҳар хил даражадаги {репродуктив, продуктив ва ижодий} ўкув вазифаларининг хал этилиши орқали ўзлаштирилади.

* Ўзлаштиришнинг баҳолаш-тузатиш босқичи талабаларнинг чакириққача ҳарбий тайёргарлик асосларини амалиётда кўллашга тайёрлигини шакллантиришга йўналтириб, ўргатиш даврида талабалар томонидани эришилган натижаларни таҳлил қилишга ва мустақил татбиқ қилишга бағишлиланган .

Чакирикка ҳарбий таълим мутахассис тайёргарлигини шакллантиришнинг структуравий-функционал моделини асослаш бўйича Фаргона давлат университетида ўtkazilgan педагогик эксперимент натижаларини мониторинги бўлажак мутахассиларни тайёрлашнинг биз ишлаб чиққан модели юқори самарали эканини кўрсатди ва ўрта маҳсус ўкув муассасалари чакириққача ҳарбий таълим ўқитувчиларининг иш амалиётига тавсия қилинди:

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Миллий армиямиз-мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта хаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир.-Т.: Ўзбекистан . 2003
2. Закон Республики Узбекистан “О физической культуре и спорте”-Т.,2002
3. Абдалимов О.Х. Методика ППФР в образовательных учреждениях специального назначения. Методические рекомендации.- Т., 2006
4. Бурнаев З.Р., Каратанов Б. ППФП студентов, обучающихся на военной кафедре ВУЗа // Международная научно-теоретическая конференция <<Проблемы и перспективы развития физической культуры и спорта>>- Бишкек, 2003. - С.19-20
5. Израак Б.М. ППФП в системе физического воспитания студентов. Учебное пособие. - Т., 2003
6. Наставление по физической подготовке в вооруженных силах Республики Узбекистан { ПФП-17 }.-Т., 1997
7. Хамроулов Р.А. Совершенствование военно - прикладной физической подготовки сельской допризывной молодёжи: Автореф.дисс. ... канд.пед.наук.-Т.,2005

8. Ханкельдиев Ш.Х. Основы метрологии физического воспитания. Учеб.мет.пос-
се.-Фергана , 2009

9.Ханкельдиев Ш.Х. Физическая подготовленность учащейся
молодежи.Учеб.мет.пос-се.-Фергана, 2011

10.Хасанов А.Т. Ҷақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларнинг касбий-
амалий тайёргарлиги . Ўқув-услуб.қўл.-Фаргона , 2012